
Халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашининг эллик иккинчи сессияси бўлиб ўтди

Унда туман ҳокими ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга даҳлдор корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияни халқ депутатлари туман Кенгаши раиси ўринбосари Т.Солиев очди ва олиб борди.

Кун тартибидаги "Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш, 2022 йилда меҳнат баланси ва бандлик дастурини шакллантириш бўйича амалга ошириш" тўғрисидаги масала юзасидан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Умаров ҳамда "Тошлоқ туманидаги айрим жой номларига қайта ном бериш ва кўчаларни номлаш тўғрисида"ги масала бўйича эса туман ҳокимининг маслаҳатчиси М.Қорабоеваларнинг ахборотлари эшитилди.

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-01-10 17:40:45